

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

СЕМИНАР

РАҚАМЛИ ТАҲДИДЛАРГА БАРВАҚТ БАРҲАМ БЕРИШ ИЛМИ ЎРГАТИЛДИ



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг “Навбахор” сийҳатгоҳида “Маҳаллаларда кибержиноятчилик ва аёлларга нисбатан технология асосидаги зўравонлиқнинг олдини олиш” мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Тренингдан қўзланган асосий мақсад — маҳалла етакчилари ва соҳа мутахассисларининг киберхавфсизлик, рақамли муҳитдаги таҳдидларни барвақт аниқлаш ҳамда жабрланувчига кўмак беришга қаратилган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат. Машғулотлар давомида иштирокчилар рақамли маконда учраётган хавф-хатарлар, кибергиғиена қоидалари, кибержиноятчиликнинг турлари ва уларнинг ҳуқуқий жиҳатлари билан танишмоқда. Шунингдек, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни кибертаҳдидлардан муҳофаза қилишга қаратилган самарали тизимлар муҳокама қилиняпти.

Семинар доирасида аёлларга нисбатан технология асосидаги зўравонлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилляпти. Хусусан, “астро-турфинг” (сохта оммавий кўллаб-қувватлаш), “дипфейк” (сохта фото, видео ёки аудио), “док-синг” (шахсий маълумотларнинг розиликсиз тарқатилиши), “визуал абуз” (тасвирлардан ноқонуний фойдаланиш), шахсни сохталаштириш ва кибертаъқиб каби замонавий таҳдидларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда жабрланувчиларга кўмак кўрсатиш бўйича амалий машғулотлар ташкил этилмоқда. Таъкидланганидек, рақамлашув жараёнлари жадаллашиб бораётган бугунги кунда маҳалла тизими вакиллариининг киберхавфсизлик соҳасидаги билим ва малакаларини ошириш аҳоли хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“ДАРД ИЛДИЗ ОТМАСИДАН ҲАР ЖОНГА ДАРМОН БЎЛДИК”

Маҳалламиз идорасининг эшиғи кунига ўнлаб марта очилиб-ёпилади. Аммо бу ерга ҳеч ким шунчаки вақт ўтказиш учун келмайди. Кимдир оиласидаги келишмовчиликдан чарчаган, кимдир моддий қийинчилик туфайли кўзида ёш билан ечим излаб келади. Ҳар бир мурожаат ортида алоҳида ҳаёт, алоҳида дард ва алоҳида масъулият туради...



Бугун кўпчилик биздан бир саволни сўрайди: “маҳаллани қандай қилиб жиноятчилик ва оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айлантирдингиз?” Жавоб оддий, аммо мазмунан жуда катта: биз муаммони у катталашмасидан олдин, унинг илдиизиди бартараф этишни йўлга қўйдик. Авваллари ажралиш ёқасига келиб қолган оилаларни идорага чақириб, узундан-узул насиҳатлар қилиш, “сабр қилинглр”, дея мурожаат қилиш амалиёти мавжуд эди. Бирок ҳаёт шунини кўрсатдики, бу ёндашув ҳар доим ҳам қутилган натижани бермайдди. Шу боис биз иш услубимизни тубдан ўзгартирдик. Танбёҳ ва насиҳатдан бутунлай воз кечмаган ҳолда, унинг ортига аниқ иқтисодий ва психологик кўмакни, яъни шароит яратишни қўшдик. Қўруқ панд-насихат агар оилада етишмовчилик ва ишсизлик бўлса, таъсири кучли бўлмайди.

Давоми 2-саҳифада.



МАҲАЛЛАДАГИ МАЪНАВИЙ МУҲИТ БАРҚАРОРЛИГИНИ “ТОТУВЛИК РЕЙТИНГИ” БАҲОЛАБ БЕРАДИ

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

99 ФОИЗ МУРОЖААТ — МАҲАЛЛА РАИСЛАРИГА ТЕГИШЛИ!

Айтиш керакки, мурожаатлар билан ишлаш тизими бугун рақамли технологиялар билан уйғунлашиб, янги имкониятларни яратяпти. Жумладан, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг “12-76” Ишонч телефони ташкил этилиб, кунлик мурожаатларни қабул қилиш ва таҳлил қилиш тизими йўлга қўйилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида у орқали 3 136 та мурожаат келиб тушди.

Давоми 2-саҳифада.

Авваллари фуқаро кўп ҳолларда ўз муаммосини ҳал қилиш учун бир нечта ташкилот эшигини тақиллатишга мажбур бўларди. Бугун эса маҳалла дара-

жасида ҳал этилиши қийин бўлган масалалар ҳар ҳафта тегишли идораларга ва туман ҳокимларига киритилиши тизими жорий этилди. Бу ўзгаришнинг аҳамияти шундаки, муаммо маҳаллада аниқланади, таҳлил қилинади ва ҳал қилиш

тизими ишга туширилади. Яъни мурожаат энди қозғола қилиб кетмайди, балки унинг ижроси бўйича аниқ масъул ва назорат тартиби шакллантирилади. Бундай ёндашув давлат бошқарувида “проактив” ишлаш усули қарор топаётганидан далолат беради.

ҲОЯ БОР, ИШТИЁК КУЧЛИ, ЭНДИЛИКДА МАБЛАҒ ҲАМ МУАММО ЭМАС...

5-саҳифада.

КАРТАДАГИ КАТТА МАБЛАҒ АЙЛАНМАСИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАНАДИ?

7-саҳифада.

Ғалаба чўққиси Ватанга садоқат, жасорат ва матонат билан забт этилади

...Миллионлаб қалбларни жунбушга келтирган биринчи ўйин. Ўзбек йигитларининг жаҳон майдонидаги мардонавор кураши. Гарчи илк қадам мағлубиятдан бошланган бўлишига қарамай, спорт ихлосмандларининг кейинги ғалабалардан умиди катта. Сабаби, ҳар бир футболчи ўзига хос маҳорат эгаси. Улар зиммасига юклатилган вазифани юрт шаънини ҳимоя қилиш, деб билади.



МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ

Отабек Шукуров — Ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим ҳимоячиси, мамлакатнинг энг етакчи ва тажрибали футболчиларидан бири. У ўзининг майдонни кўра олиш қobiliяти, аниқ узатмалари ва марказда ўйин суръатини назорат қила олиши билан ажралиб туради.

Давоми 4-саҳифада.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ раислигида Халқаро конгресс марказида Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги ялпи йиғилиши бўлиб ўтди.



ДАВЛАТИМИЗ РАХБАРИ Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти **ОДИЛЬ РЕНО-БАССО** бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Жаҳон банки Ўзбекистонга **ҚИШЛОҚ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА 150 миллион доллар** миқдорида имтиёзли молиялаштириш ажратади.

2

Mahalla №49

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Маҳалладаги маънавий муҳит барқарорлигини “тотувлик рейтинги” баҳолаб беради

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Баҳром КУШБАКОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бош мутахассиси.

Т аҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мурожаатларнинг қарийб барчаси — 99 фоизи маҳалла раислари фаолияти билан боғлиқ. Бир қарашда бу ҳолат танқидий кўриниши мумкин. Аммо масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Бу рақам аҳолининг маҳалла институтига ишониши ва, энг аввало, муаммони маҳалла орқали ҳал қилишга интилишини англатади. Шу билан бирга, бу ҳолат маҳалла раислари зиммасидаги масъулият тобора ортиб бораётганини ҳам кўрсатади. Энди маҳалла раҳбаридан фақат ҳужжат юритиш эмас, балки муаммони кўра олиш, одамларни эшитиш ва уларни ечимга олиб бориш талаб қилинапти.

Таҳлиллар асосида мурожаатлар сони юқори бўлган **530 та маҳалла** аниқланиб, улар билан ишлашнинг алоҳида тартиби жорий қилинди. Мазкур маҳаллаларда аҳоли билан учрашувлар, сайёр қабуллар, ўрганишлар ва манзили чора-тадбирлар ташкил этилапти. Бу эса муаммонинг оқибати билан эмас, унинг келиб чиқиш сабаблари билан курашиш имконини бераётди. Шу билан бирга, Виртуал қабулхона платформасида **8 992 та маҳалла учун алоҳида электрон кабинетлар** очилди.



САЙЁР ҚАБУЛ — ЭНГ ЯХШИ МУЛОҚОТ ШАКЛИ

Мурожаатлар билан ишлашнинг энг таъсирчан шаклиданидан бири, бу — сайёр қабуллардир. Чунки бундай қабулларда фуқаролар ўз муаммосини бевосита раҳбарларга етказиш имконига эга бўлади. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоевнинг Самарқанд ҳамда Фарғона вилоятларида ўтказилган сайёр қабуллари бу борада яхши тажриба бўлди.

Иштихон туманидаги “Қорақўй-ли” маҳалласидаги истироҳат боғида ташкил этилган қабулда 114 нафар фуқаро иштирок этиб, 79 та мурожаат тингланди. Масалаларнинг 12 таси жойида ҳал этилди.

Мисол учун, Иштихон туманида қурилаётган халқ стадиони учун 100 миллион сўм маблағ ажратилди. Қўшработ туманида воркаут майдончаси қурилишига 50 миллион сўм йўналтирилди. Эҳтиёжманд фуқароларга уй-жойини таъмир-

лаш, қарздорлик масалаларини ҳал қилиш, майший техника воситалари билан таъминлаш ва санаторийларга йўлланма бериш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатилди. Шунингдек, хотин-қизларни “Аёллар дафтари”га қиритиш, иш билан таъминлаш, оилавий келишмовчиликларни бартараф этиш, ички йўллари таъмирлаш каби қатор масалалар ҳам шу ернинг ўзида ечим топди.

Худди шундай натижалар Уюшма раисининг Марғилон шахридаги Эркин Воҳидов номидаги истироҳат боғида ўтказилган сайёр қабулида ҳам кузатилди. 132 нафар фуқаро иштирок этган қабулда 83 та мурожаат кўриб чиқилди. Уларнинг 34 таси шу куннинг ўзида ижобий ҳал этилди.

“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”

“Йиғинимиз муаммолар эмас, ЧИНАКАМ ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИГА АЙЛАНЯПТИ”



Шофиркон туманидаги “Боғиэфзал”, “Тинчлик” ва “Саврак” маҳаллаларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳажман кенг, мазмунан инфратузилмани янгилашга қаратилган лойиҳа сифатида намоён бўлмоқда.

Х удуддаги мазкур ўрта маҳаллага “Янги Ўзбекистон қиёфаси” олиб кирилади. Дастур доирасида **15 миллиард 264 миллион сўм** маблағ эвазига ички йўللарни асфальтлаш, электр тармоқларини янгилаш, янги трансформатор пунктлари ўрнатиш, ичимлик сув тармоқларини тортиш ҳамда маҳалла маъмурий биноларини барпо этиш каби йўналишлар қамраб олинади.

Айниқса, “Тинчлик” маҳалласига ажратилган **5 миллиард 264 миллион сўмлик** маблағ ҳисобидан бир вақтнинг ўзида электр, сув ва йўл инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ижтимоий объектлар қуриш режалаштирилгани муҳим жиҳат ҳисобланади. Режага кўра, бу ерда 1 та янги трансформатор пункти ўрнатиш, 1 минг метр электр тармоғини янгилаш, 1,5 минг метр ичим-



лик сув қувурларини тортиш, 4,6 минг метр ички йўллари асфальтлаш ҳамда болалар спорт майдончалари ва янги маҳалла биносини қуриш ишлари амалга оширилади.

Дарҳақиқат, маҳалладаги ўзгаришлар фақат бинолар ёки йўللарда эмас, одамларнинг қайфиятида ҳам сезиляпти. Илгари йиғилишларда, асосан, муаммолар ҳақида гапирилган бўлса, ҳозир аҳоли янги ташаббуслар билан чиқмоқда. Кимдир кучат экишни таклиф қилса, яна кимдир ёшлар учун тадбирлар ўтказишга чорляпти. Бу эса маҳаллада фуқаролик фаоллиги кучайиб бораётганининг белгисидир.



Айни пайтда маҳалладаги Жазўхўра, Қуйи Саврак ва Юқори Саврак кўчаларида асфальтлаш ишлари бошланган. Шу билан бирга, маҳалладаги ижтимоий муҳит ўзгарган, маҳалла фаоллари ва нурунийларнинг таъкидича, кўп йиллар давомида йиғилиб қолган инфратузилма муаммолари босқичма-босқич ҳал этилаётгани барчани бирдек қувонтирмоқда.

— Аввал маҳалланинг айрим кўчаларида юришнинг ўзи мушмо эди, — дейди маҳалла фаоли Маҳмуд Норов. — Айниқса, ёмғирли кунларда қўчалар лойга айланиб, аҳоли қатновида қийинчиликлар туғиларди. Электр таъминоти ва ичимлик сув билан боғлиқ масалалар ҳам одамларни ташвишлантирарди. Бугун эса вазият мутлақо бошқача. Энг муҳими, одамларда эртанги кунга ишонч пайдо бўлди. Кўпчилик муаммони фақат давлат ҳал қилиши керак, деб ўйларди. Кейинги ўзгаришлар аҳолининг ўзини ҳам фаоллаштирди. Одамлар маҳалла тақдирига бефарқ эмаслигини кўрсатяпти. Чунки қилинган ишнинг натижасини ўз кўзи билан кўрапти.



Жумладан, 3 нафар фуқарога ёрдам сифатида 64 миллион сўм маблағ ажратилди. Ижтимоий реестрга кириштиш, ишга жойлаштириш, оилавий низо-ларни бартараф этиш, газ баллон ва кўмир ёқилғиси билан таъминлаш, кўча чироқларини ўрнатиш каби масалалар бўйича амалий ечимлар топилди.

Бу каби мисоллар мурожаат билан ишлашнинг асосий мақсади ҳисобот тайёрлаш эмас, балки инсон ҳаётидаги муаммони бартараф қилиш эканини кўрсатади.

МАҲАЛЛАНИНГ 3D МОДЕЛИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Йил якунига қадар мурожаатлар билан ишлаш тизими янада такомиллаштирилади. Жумладан, Виртуал қабулхона ва “Рақамли маҳалла” платформаси интеграция қилинади. Сунъий интеллект ёрдамида мурожаатларни тўғридан-тўғри тегишли идораларга йўналтириш, ижро ҳолатини кузатиш ва таҳлил қилиш имкониятлари яратилади. Мурожаатларни “еттилик” ҳулосаси асосида назоратдан чиқариш тизими жорий қилинади.

Шунингдек, маҳаллаларда аҳоли қайфияти ва ижтимоий муҳитни баҳолайдиган “тотувлик рейтинги” жорий этилади. Коммунал тармоқлар, йўллар ва қурилиш ҳолатини прогност қилиш имконини берувчи маҳалланинг 3D модели ишлаб чиқилади. Энг муҳими, “еттилик” аъзолари ҳамда масъул раҳбарлар фаолияти мурожаатларнинг ижобий ҳал этилишига қараб баҳоланади.

Бугун маҳаллада мурожаатларни қабул қилиш оддий расмийчилик эмас. Бу — одамларни эшитиш, уларнинг дардига шерик бўлиш ва муаммосига амалий ечим топиш жараёнидир. Зеро, мурожаатга муносабат — инсонга муносабат демекдир. Инсон қадри устувор бўлган жамиятда эса ҳар бир мурожаат, албатта, эътибор ва ечим топиши лозим.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Дард илдиз отмасидан ҳар жонга дармон бўлди”



ФАРҒОНА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Воҳиджон ЖўРАЕВ, Данғара туманидаги “Қизилмушт” маҳалласи раиси.

Х отин-қизлар фаолининг рўйхатида низоли бир оила бор эди. Оилани идорага қақариш ўрнига, биз уларнинг уйига бордик. Вазиятни ўрганиш давомида асосий сабаб эр-хотин ўртасида эмас, учинчи шахс аралашувида экани аниқланди. Шундан сўнг “маҳалла еттилиги” билан аниқ режа тузилди: ҳар учала томон билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказилди, хато-камчиликлар ҳамманинг ўртасида бўлиши, аризмас сабаб билан оилани пароканда қилиш нотўғри экани тушунтирилди. Натижа узоқ кутилмади, муносабатлар мувозанатга тушди.

Бу ҳолат бизга яна бир бор шуни кўрсатдики, оилани сақлаб қолиш — жанжални тўхтатиш эмас, балки унга сабаб бўлаётган омилни йўқотишдир. Шу ёндашув натижасида ҳудудимизда оилавий ажралишлар ва жиноятчилик ҳолатлари қайд этилмади.

Йил бошида маҳалламизда 69 та камбағал оила аниқланган эди. Улар билан манзили ва индивидуал ишлаш тизими йўлга қўйилди. Ҳар бир оиланинг имконияти, кўнкмаси ва эҳтиёжи алоҳида ўрганилди. Натижада бугунгача уларнинг ўндан зиёди камбағаллик тоифасидан чиқарилди.



Бунда “ҳаммага бир хил ёрдам” эмас, балки “ҳар бир оилга алоҳида ечим” тамойили иш берди. Масалан, Дилноза Инъомова дастлаб фақат моддий ёрдам олиб келган оилалардан бири эди. Аммо чуқур ўрганиш жараёнида унинг тикувчиликка ҳунари борлиги аниқланди. Ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан аёлга замонавий тикиш машинаси олиб берилди. Бу орқали оила барқарор даромадга эришди.

Шу каби ёндашув асосида йил бошида аниқланган 41 нафар ишсиз фуқародан 34 нафари бандликка жалб этилди. Бугун маҳаллада “ишсиз” деган тушунчани йўқотишга жиддий киришилган, ҳар бир фуқаро учун зарур имконият яратилади.



Яна бир жиҳат бор, бу — маҳалланинг ҳамжихатлиги! Маҳалла аҳлининг ўзаро бирдамлиги натижасида ҳашар йўли билан боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга янги уйлар қуриб бериляпти, хонадонларга қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Худудда асфальт бўлмаган кўча қолмади ҳисоб. Маҳалладаги тўртта қишлоқдан учтаси тўлиқ канализация тармоғига уланди. Ҳозирда мактаб стадионини тартибга келтиряпмиз.

Маҳалладошларимнинг хорижда, оиласи ва фарзандларидан узоқда меҳнат қилиши мени раис сифатида ҳамиша ўйлантирарди. Улар билан ижтимоий тармоқлар орқали доимий алоқа ўрнатилиб, юртимиздаги имкониятлар тушунтирилди. Натижада хорижда меҳнат қилаётган 36 нафар фуқаро Ватанга қайтарилди ва уларнинг барчаси маҳалланинг ўзида иш билан таъминланди. Улар орасида тадбиркорликни бошлаганлар ҳам, мавжуд иш ўринларига жойлашганлар ҳам бор. Энг муҳими, оилалар қайта бирлашди, фарзандлар ота-она бағрида воёга етпти.

Маҳалламизнинг “ТОП-100” таликка кириши биз учун мақсад эмас, балки катта масъулиятдир. Чунки ҳақиқий натижа рейтингда эмас, балки одамлар ҳаётидаги ўзгаришларда намоён бўлади. Мен маҳалла раиси сифатида шу ҳулосага келдим: агар фуқаро идорага келганда қаршисида шунчаки расмий ходимни эмас, уни тинглайдиган, муаммосини ҳис қиладиган инсонни кўрса, шундагина ҳақиқий ривожланиш бошланади.



Марказий банк
Ўзбекистон миллий
терма жамоасининг
тарихда илк бор Жаҳон
чемпионатига йўл
олганига бағишлаб
ЭСДАЛИК ТАНГАЛАРНИ
СОТУВГА ЧИҚАРДИ.



Саудия Арабистони,
Япония ва
Корея компаниялари
ТОШКЕНТНИНГ
ЯНГИ АЭРОПОРТИНИ
ҚУРИШ бўйича
битим
имзолади.



Янги қонун билан
ўзбошимчалик
билан эғалланган
ЕРГА ХУҚУҚНИ
ТАН ОЛИШ ТАРТИБИ
соддалаштирилди.

2026 йил
20 июнь,
ШАНБА

Mahalla №49

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА
ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Кўчаларни айланиб, хонадонларга кирар эканман, олдимга битта катта мақсад қўяман: маҳалладошларим орасида ишсизликни камайтириш, оилаларга даромад олиб кириш ва камбағалликни қисқартириш.

“ИМКОНИМ ЙЎҚ”,
ДЕГАН СЎЗ
ЛУҒАТИМИЗДАН ЎЧГАН

Алишерхон МАНСУРОВ,
Олмалиқ шаҳридаги
“Тинчлик” маҳалласи ҳоким
ёрдамчиси.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган камбағалликдан чиқаришнинг ўзбек намунаси оддий одамлар ҳаётида, уларнинг хонадонларида акс этмоқда. Очиғини айтиш керак, орамизда ҳали ҳам давлатдан фақат моддий ёрдам ёки нафақа кутиб, боқимандалик кайфияти билан яшаётганлар учраб туради. Аммо биз одамларга тайёр пул ёки нафақа бериб, уларни боқиманда қилиб қўйиш эмас, балки меҳнат қилиб, оёққа туриб кетишлари учун ҳақиқий шароит яратишга эришдик.

Хусния Нурматова узок вақт давомида ўз бизнесини бошлаш, маҳалладошларига нафи тегадиган бир иш билан шуғулланишни ният қилиб юрарди. Аммо маблағ ва тажриба етишмаслиги уни бироз иккилантирарди. Қўнларнинг бирйда у ёнимга келиб, ўз режалари ҳақида сўзлаб берди.

Хулоса шуки, биз камбағалликни енгилуш учун “имкониим йўқ, қўлимдан келмайди”, деган сўзни луғатимиздан ўчириб ташладик. Давлат берган имкониятдан тўғри фойдаланиб, меҳнат қилган инсонлар ўзини бой, атрофидаги қўшнилариини ишли қиляпти.



Қўзидаги шижоатни кўриб, дарҳол ҳаракатга тушдим. Лойиҳасини ўрганиб чиқиб, қисқа фурсатда 70 миллион сўм имтиёзли кредит расмийлаштиришга қўмаклашдим. Бу маблағ эвазига хонадонида замонавий ва шинам оилавий боғча ташкил этди. Натижада нафақат маҳалла болажонлари учун қулай шароит яратилди, балки ҳудуддаги бир нечта ишсиз фуқаролар доимий иш ўрнига эга бўлди. Ҳозирда яна 50 ўринли замонавий боғча филиали ташкил этилмоқда.

Ишсизликни камайтириш учун ҳар бир тадбиркорни авайлаб-асрашимиз керак. Бу баландпарвоз гап эмас. Чунки битта тадбиркор оёққа турса, юзлаб иш ўрни яратади, қўшнилариини ишли қилади. Шу боис муваффақиятдан руҳланган фуқароларнинг фаолиятини янада кенгайтиришда ёрдам бераймиз.

КИЧИК ЛОЙИҲАДАН КАТТА НАТИЖА

Бир вақтлар чекка ва олис қишлоқлар ҳақида гап кетганда, кўз олдимизда, асосан, кенг далалар, кетмон чопган деҳқонлар ва фақат мавсумга қараб қолган кундалик даромад гавдаланар эди. Кўпчилик тирикчиликнинг ягона таянчи сифатида фақат қишлоқ хўжалигини биларди.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА.

Бироқ бугун замон ўзгарди, маҳаллаларга янги ҳаёт нафаси кириб келди. Энди қишлоқларимиз фақат хомашё етиштирадиган эмас, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳақиқий саноатлашган манзилларга айланмоқда. Бундай улкан ўзгаришларнинг жонли намунасини кўриш учун Ёзёвон туманидаги “Истиқлол” маҳалласига бориш кифоя.

Одамлар бу ерни бежизга “Теракчилар маҳалласи”, деб аташмайди. 3 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган гўшада терак ёғочини қайта ишлаш бўйича катта мактаб яратилган. Маҳаллада 50 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида камида 5 тадан доимий иш ўрни яратилган. Гиёсиддин Ҳайитов ана шундай қўли гул, тадбиркор инсонлардан. У ўз атрофида 20 нафарга яқин маҳалладошини бирлаштириб, муқим даромад билан таъминлаб келмоқда.

Ишни тўғри ташкил этгани сабабли, бугунги кунда корхонасининг йиллик айланма маблағини 1 миллиард сўмга етказди. Бу ерда меҳнат қилаётган йигитлар илгари иш излаб ўзга юртларга кетиш ҳақида ўйлашган бўлса, бугун ўз уйида, оиласи бағрида туриб, шаҳардагидан кам бўлмаган маош олишмоқда.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ҲАЁТБАХШ ҒОЯЛАР
ОДАМЛАР ТАФАККУРИНИ, СЎНГ
ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЎЗГАРТИРАРКАН...

Маҳалла раиси бўлиб иш бошлаганимда, мени бир савол қийнарди: “Нега одамлар ўзаро жанжаллашади, нега ёшлар йўлдан адашади ва нега баъзилар доим нолиб яшайди?”

Отабек РУСТАМОВ,
Пастдарғом туманидаги
“Қатортерак” маҳалласи раиси.

Шунда тушундимки, маҳаллани намунали қилиш учун фақат моддий қўмак, имтиёзли кредит эмас, биринчи навбатда, одамларнинг ички дунёсини ўзгартирадиган ҳаётбахш ғоялар керак экан. Биз ана шундай янги тажрибаларни жорий этдик. Масалан, “Оталар мактаби” клуби қутилмаган натижалар берди. Айниқса, оилавий ажралишлар ва низоларни бартараф этишда қўл келмоқда.

Илгари маҳаллада бирор ҳолат бўлса, эр-хотинни маҳалла идорасига чақириб, насихат қилардик. Бу усл ишламади, оилалар барибир ажрашиб кетаверди. Янги ташаббусга кўра, обрўли, ҳаётий тажрибага эга нуруний отахон ва онахонлар қўмағига таяндик. Муаммо, камчиликларни бир пиёла чай устида кўриб чиқдик.

Бир ёш оила бор эди. Йигит ишидаги муваффақиятсизликлар сабабли уйда тез-тез тўполон қилар, хотини эса арозлаб кетиб қолмоқчи эди. Биз уларни идорага судрамадик. Аксинча, оқсоқоллардан бири йигитнинг хонадонига борди. Унга ўзининг ёшлигидаги қийинчиликларини, рўзгорни қандай асраб қолганини дўстона, оддий тилда гапириб берди. Йигит хатосини тушунди, унга маҳалладошлар қўмағи билан янги иш топишга ҳам ёрдамлашдик. Мана бир йилдирки, оилада тинчлик, яқинда фарзандли бўлишди.



Мисол учун, Нилуфар Санақулова тикувчиликка қизиқарди, лекин дастгоҳ олишга пули йўқ эди. Тадбиркор Азамат Рустамов унга ҳеч қандай фоизсиз, бошланғич маблағ берди. Бугун Нилуфар мустақил иш бошлаб, яна 3 та иш ўрни яратди. Бу тизим одамларда “мен ҳам уддалай оламан” деган ишончни уйғотди.

“Китобхон кўчалар”имиз ёшлар тарбияси учун энг катта туртки бўлди. Дарҳақиқат, ёшларни телефондан ёки бекорчиликдан узишнинг йўли — уларни қизиқтиришдир. Шу боис ҳар бир кўча бошида, одамлар салқинлаб ўтирадиган шийпонларда кичик кутубхоналар ташкил қилдик. Маҳалла аҳли уйи-

даги ортиқча китобларни олиб чиқиб қўйди. Ҳозир кечкурун кўчага чиқсангиз, ёшларнинг бекорчи гаплар сотиб ўтирганини эмас, шахмат ўйнаб, асар мазмуни бўйича баҳслашётганини кўрасиз. Маҳалламиз ички муҳити соғломлашди, ўғрилиқ ёки майда безорилик, деган нарсалар бутунлай йўқолди. 5 йил да-

вомида “кизил” тоифадаги ҳудуд эдик, жорий йил “яшил” ҳудудга ўтдик.

Маҳалла раиси сифатида ағалланган энг катта ҳақиқатим шу бўлди: одамларни тақиб, буйруқ, жазо ёки мажбурият билан тўғри йўлга солиб бўлмайди. Уларнинг кўнглига йўл топиш, дардига чин дилдан шерик бўлиш керак.

ТЕРАКЧИЛИК
ТИРИКЧИЛИК ТАЯНЧИГА АЙЛАНГАН

Ишсиз ва даромадсиз одамнинг ўзи йўқ. Қувонарлиси, маҳалла аёллари ҳам уйда бекор ўтирмайди. Хонадонларидан чиқмаган ҳолда ёки корхонанинг ўзида терак пўстлогини арчиш ишларига жалб этилган. Бу ижтимоий шериклик маҳалладаги юзлаб оилаларнинг рўзгорида қўшимча қутбарака олиб кирмоқда.



Саҳифани
“Mahalla”муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Самандар
НОРМАТОВ.
Риштон
тумани:

— Ҳамшира бўлганим учун туман тиббиёт бирлашмасида ҳар уч кунда 12 соатлик навбатчилик асосида ишлайман. Аммо баъзан раҳбарият қўшимча ишларга жалб этиб туради. Қонунчиликда шу бажарган ишим учун ҳақ тўлана-дими?



Лазиз ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходими:

— Ходимнинг белгиланган вақт тугаганидан кейин меҳнатга жалб этиш иш вақтидан ташқари, деб ҳисобланади. Одатда, бундай вазиятда ходимнинг ёзма розилиғи олинади.

Табиий офатлар, авариялар ва фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф қилишда, сув, газ, электр, алоқа ва транспорт тизимларидаги носозликларни бартараф этишда, навбатчиликдаги ходим ишга келмай қолиб, жараёни тўхтатиб бўлмайдиган ҳолатларда ходимнинг розилиғисиз ҳам ишга жалб қилиш мумкин.

12 соатлик навбатчиликда ишловчилар ҳамда ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шароитидаги ходимларни иш вақтидан ташқари ишга жалб қилишга йўл қўйилмайди. Демак, сизни иш вақтидан ташқари ишга жалб этиш қонунга зид ҳисобланади.



Давлат
хизматчилари учун
ҚАМОҚХОНАГА
ЭКСКУРСИЯ
АМАЛИЁТИ
йўлга
қўйилди.



Ўзбекистон фуқаролари
хорижга йилига
10 минг долларгача
маблағни
АЛОҲИДА
РУХСАТНОМАСИЗ
ИНВЕСТИЦИЯ ҚИЛИШИ
мумкин бўлади.



Тошкентда
МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ
БИРИНЧИ ЛЮКС
САЙЁҲЛИК
ПОЕЗДИ —
“Samar kand Express”
бўйича
битим имзоланди.

4

Mahalla

№49

2026 йил
20 июнь,
ШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ХОТИРЖАМ ҲАЁТГА ҲАМИША ПОЙДЕВОРДИР

Маҳалламизда аввалдан паррандачилик йўналиши яхши ривожланган. Йил сайин аҳоли вакилларининг соҳага қизиқиши ортиб борапти. Худудимиздаги хонадонларнинг деярли ярми товук боқиш бўйича катта тажрибага эга.



Гулро АТОЕВА,
Урганч туманидаги
“Орзу” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Бугун имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз меҳнати ва изланиши билан маҳалладошларга ўрнак бўлаётган аёллардан бири — Шўрчи туманидаги “Қоқайди” маҳалласида истиқомат қилувчи Дилобар Сиддиқовадир.

Сифат ва тозалик — ЭНГ МУҲИМ МЕЗОН

Нигина ШОЕВА,
журналист.

У оилавий тадбиркорлик асосида сутни қайта ишлаш фаолиятини йўлга қўйиб, табиий ва сифатли маҳсулотлар тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Кундалик меҳнат, масъулият ва сифатга бўлган эътибор натижа-сида тайёрланаётган маҳсулотлар истеъмолчилар ишончини қозониб борапти. Дилобар Сиддиқованинг айтишича, бу фаолият нафақат оилавий даромад манбаи, балки маҳаллада бандликни ошириш ва соғлом маҳсулот етказиб беришга хизмат қилмоқда.

— Меҳнат қилган инсоннинг ризқи баракали бўлади, — дейди аёл. — Ҳар бир маҳсулотни ўз оиламиз учун тайёрлаётгандек эҳтиёткорлик билан ишлаб чиқарамиз. Сифат ва тозалик биз учун энг муҳим мезон ҳисобланади. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ҳамда яна бир нечта хотин-қизни иш билан таъминлашни мақсад қилганман. Меҳнат қилган инсон учун имконият доимо топилади.



Бугун Дилобар Сиддиқованинг меҳнати ортида нафақат даромад, балки фидойилик, сабр ва келажакка ишонч мумкин. Қўл меҳнати билан яратилаётган ҳар бир маҳсулотда тадбиркор аёлнинг масъулияти ва ҳалол меҳнатга бўлган садоқати акс этади.

Маҳаллаларда ана шундай ташаббускор ва меҳнатсевар аёллар сафининг кенгайиб бораётгани эса ҳудудлар ривожини, оилалар фаровонлигини ҳамда жамият тараққиётининг муҳим омилларидан биридир.



Худудимизда бундай меҳнаткаш опа-сингилларимиз жуда кўп. Уларнинг яхши натижаларга эришиши учун “еттилик” вакиллари ҳар жиҳатдан намуна бўлишга ҳаракат қиламиз. Ўзим ҳам хонадонимда 400 дона товук ва 5 бош қорамол боқаман. Бу қўшимча даромад манбаи бўлиш билан бирга, тажриба ва малака оширишга хизмат қилади.



ХОРАЗМ

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ




МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ

ҒАЛАБА ЧЎҚҚИСИ ВАТАНГА САДОҚАТ, ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ БИЛАН ЗАБТ ЭТИЛАДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Шаҳноза РАҲИМХҲАЕВА,
“Mahalla” мухбири.



Отабек Шукуров 1996 йил 22 июнда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги “Ифтихор” маҳалласида туғилган. Спортчи футболдаги илк мустақил қадамларини Муборакнинг “Машъал” клуби академиясида бошлаган ва 2014 йилда асосий жамоага ўтган. 2015 йилда қисқа муддат “Бухоро” жамоасида ижара асосида ўйнаб, у ерда ҳақиқий маҳоратини кўрсата олди.

Тошкентнинг “Бунёдкор” клуби таркибиде эса жамоанинг асосий ва алмаштириб бўлмас футболчиларидан бирига айланди. 2017 йилда Бирлашган Араб Амирлигининг “Шаржа” клубига кўчиб ўтган, унинг фаолиятида янги давр бошланди. Жозиба-ли ўйинлари билан маҳаллий мухлис-ларнинг ишончини қозонди.


— Отабек кичкиналигидан жуда тиришқоқ ва олдиға қўйган мақсади сари дадил одимлайдиган бола эди, — дейди Чироқчи туманидаги “Ифтихор” маҳалласи раиси Бахтиёр Ҳайитов. — 4-5 ёшидан футбол тўғаракларига қатнашни бошлаган. Унинг отаси спортнинг ашаддий иштиёқманди бўлгани учун ўлига керакли барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиларди. Уқувчилик йилларида мактаб ва маҳалладаги тадбирларда фаол иштирок этарди.

Отабек маҳалламизда ташкил этган спорт маркази энг гавжум масканлардан. Замонавий ускуналар барча ёш тоифасидагилар фойдаланиши учун жуда қулай. Ҳозир қай бир боладан келажақда ким бўлишини сўрасак, футболчи, деб жавоб беради. Халқимиз ифтихорига айланган спортчимизнинг издошлари кўплигидан фақат хурсанд бўламиз.

Отабек Шукуров Ўзбекистоннинг турли ёшдаги терма жамоаларида ўйнаган. Миллий терма жамоадаги илк ўйинини 2016 йил 14 февралда Ливанга қарши ўтказган. Миллий терма жамоанинг ўз тарихида илк бор Жаҳон чемпионати йўланмасини қўлга киритишида Отабекнинг хизмати беқиёс бўлди. Хусусан, саралаш босқичи доирасидаги Бирлашган Араб Амирлигига қарши муҳим ўйинда пенальтидан ғалаба тўпини қиритган эди.



Эришилган ушбу тарихий натижа ва ўзбек футболни ривожига қўшган хиссаси учун Отабек Шукуров “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирланди. Бунгача у “Мард ўғлон” давлат мукофотиға ҳам лойиқ қўрилган эди.



2019 йилда Хитой терма жамоасига қарши ўйинда рақиб футболчиси Вей Ши Хаоўунга жуда кўполлик ишлатиб, Отабекнинг оғир жароҳат олишиға ва Германияда операция бўлишиға сабаб бўлган. Хитой клуби футболчини умрбод футболдан четлатиш ҳақида қарор чиқармоқчи бўлганида, Отабек катта бағрикенглик кўрсатиб, рақибнинг фаолияти барбод бўлмаслиги учун жазони енгиллаштиришни сўраб, расман мурожаат қилган.

У майдонда охиригача курашадиган фазилати билан ажралиб туради. Масалан, терма жамоа таркибидеги баъзи масъулиятли ўйинларда оёғидаги оғриқ ва жароҳатларга қарамай, жамоага ёрдам бериш учун тавakkал қилишдан қайтмайди.

ДАРОМАД МАНБАИ

БИР-БИРИГА ҲАВАСЛАНИБ, БИР-БИРИГА ЎРГАТАПТИ

Маҳалламизда жойлашган Нодира Ражабова раҳбарлигидаги “Пешку лимончилик равнақи” фермер хўжалиги йилдан-йилга юксак марраларни забт этиб келяпти.



Феруза БАҲРОМОВА,
Пешку туманининг Ибн Сино номидаги маҳалла хотин-қизлар фаоли.

Мазкур хўжалик ҳудудда иссиқхона хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ жойларда бандликни таъминлаш ҳамда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар учун даромад манбаларини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбиркор ойига ўртача 300 миллион сўм даромад олмоқда.

Шу билан бирга, “Лимончилик” мактабиде 45 нафар хотин-қиз касб-хунарга ўқитилиб, уларнинг меҳнат қилиши учун муносиб шароит яратиб берилган. Мазкур фаолият ҳудудда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларни касбга йўналтириш ва даромад манбаларини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лимончилик йўналишида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд имкониятлардан сама-

рали фойдаланиш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш ва бу жараёнда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш маҳалла ҳаётида ҳам катта аҳамият касб этипти. Авваламга уйда ҳеч қандай фаолият билан шуғулланмаган опа-сингилларимиз бир-биридан илҳомланиб, ўз устида ишляпти. Ғояларини дадил амалга оширишни ўрганапти.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза РАҲИМХҲАЕВА
тайёрлади.



Олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 5,1 миллион сўмни ташкил этди.



Ўзбекистонда БОЛАЛАРНИ ТАШИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ҳайдовчилик ҳуқуқидан 3 йилгача маҳрум қилиш таклиф этилди.



19 ёшли гроссмейстер МУҲИДДИН МАДАМИНОВ шахмат бўйича “UzChess Cup”нинг асосий турнири — “Masters” мусобақасида ғолиб бўлди.

2026 йил
20 июнь,
ШАНБА

Mahalla №49

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



ФАРФОНА

ЯНГИ ҚАДАМ

Ёшларнинг ўқиши, касб эгаллаши ва ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиши ҳақида кўп гапирилади. Аммо кўпинча бир муаммо юзага келади: яхши ғоя бор, иштиёқ бор, лекин бошлаш учун маблағ етишмайди.

Ғоя бор, иштиёқ кучли, эндиликда маблағ ҳам муаммо эмас...

Сожида ЭШМАТОВА.

Президентимизнинг “Тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан ана шундай вазиятда қолган ёшларга кенг имкониятлар яратилди.

Қарорга мувофиқ, “Ёшлар бизнеси” дастури доирасида 31 ёшга тўлмаган фуқароларга 7 йилгача муддатга имтиёзли кредитлар ажратилади. Кредитлар бўйича асосий қарзни тўлаш учун 1 йилгача, фоиз тўловлари учун эса 3 ойгача имтиёзли давр берилади. Бу эса ёш тадбиркорга ўз бизнесини оёққа турғизиб олиш учун асосий имконият ҳисобланади. Кредит фоизи Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз юқори миқдорда белгиланади. Бундан ташқари, сугурта полиси ёки учинчи шахс кафиллиги асосида 100 миллион сўмгача бўлган микроқарзлар олиш имконияти яратилмоқда.



Қарордаги энг эътиборли жиҳатлардан бири шундаки, маблағлар айнан бугунги меҳнат бозори талаб қилаётган йўналишларга йўналтирилади.

Масалан, инглиз тили ёки дас турлашни ўрганишни истаётган, аммо шартнома ёки курс тўловини қоплай олмаётган ёшлар учун 20 миллион сўмгача маблағ ажратилиши мумкин. Бу кредитни оддий ҳарajat деб эмас, балки келажакдаги даромадга қилинган инвестиция сифатида баҳолаш мумкин.

Ёки ижтимоий тармоқларда контент яратишни яхши кўрадиган бир йигит мобилография билан шуғулланмоқчи. Камера, ёритиш ускуналари ва тахрирлаш учун компьютер керак. Энди у 50 миллион сўмгача кредит олиб, ўз хизматларини таклиф қилиши, кейинчалик кичик студия ташкил этиши мумкин.

Шунингдек, уй шароитида тикувчилик қилаётган, махсулот тайёрлаётган ёки қайта ишлаш билан шуғулланаётган қизлар ва аёллар учун ҳам 50 миллион сўмгача маблағ ажратилиши назарда тутилган. Бу эса касаначиликни оддий қўшимча даромаддан кичик бизнес даражасига олиб чиқиш имконини беради. Новвойчилик ва ширинлик тайёрлаш йўналишида эса имкониятлар янада кенг. Тасаввур қилинг, маҳаллада тандир нон ёпиб ёки торт-пирог тайёрлаб сотаётган ёш тадбиркор ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқчи. Энди у 100 миллион сўмгача кредит олиб, янги ускуналар харид қилиши, иш ўринлари яратиши ва фаолиятини кенгайтириши мумкин.

Аслида, ушбу қарорнинг энг катта аҳамияти кредит миқдоридан эмас. Унинг қиймати шундаки, ёшларнинг билим олиши, касб эгаллаши ва бизнес бошлашига ишонч билдириляпти. Бугун бир ёшнинг ўз ишини бошлаши нафақат унинг ўзи, балки оиласи ва маҳалласи учун ҳам янги имкониятлар эшигини очди. Энди энг асосий вазифа — берилган имкониятдан оқилона фойдаланиш, пухта режа асосида ишлаш ва ҳар бир ажратилган сўмни келажакдаги муваффақият калитига айлантиришдир.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Лола КАРИМОВА.
Андижон вилояти:

— Мен 2 нафар вояга етмаган фарзандимни ёлғиз ўзим тарбиялаб келяпман. Фарзандларим мактабда аъло натижаларни кўрсатмоқда. Шу ҳолатда фарзандларим учун ижтимоий имтиёзлар мавжудми?

АЪЛО БАҲОГА
ЎҚИЙДИГАН БОЛАГА
ИМТИЁЗ БОРМИ?


Бурҳониддин МУРТАЗОЕВ,
ҳуқуқшунос, адвокат:

— Сиз баён қилган ҳолатга кўра, икки нафар вояга етмаган фарзандни ёлғиз тарбиялаётганингиз, фарзандларингизнинг мактабда аъло баҳоларга ўқиши ҳамда оиланинг ижтимоий эҳтиёжманд тоифага мансублиги инobatга олинади.

Хусусан, бундай қўллаб-қувватлаш фарзандларни замонавий ягона мактаб кийими, асосий турдаги ўқув қуроллари ва бадий китоблар билан таъминлаш, болалар газета ва журналларига обуна қилиш, республика оромгоҳларида дам олишини ташкил этиш, шунингдек, республика бўйлаб саёҳатга бориш ва қайтиш харажатларини қоплаш орқали амалга оширилади.

Мазкур имкониятлардан фойдаланиш учун яшаш ҳудудингиздаги маҳалла фуқаролар йиғини, туман (шаҳар) ёшлар ишлари бўлими ҳамда мактаб маъмуриятига мурожаат қилишингиз тавсия этилади. Мурожаат давомида оиланинг ижтимоий ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлар, фарзандларнинг ўқишдаги натижалари ва зарур ҳолларда тавсифнома тақдим этилиши сўралиши мумкин.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

ҚУЛУПНАЙДАН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ
ҚАНДДЕК ДАРОМАД ТОПАМИЗ?..

Бизнинг ҳудудимиз азалдан деҳқончиликка ихтисослашган. Одамларимиз меҳнаткаш, кўпчилик оилалар томорқадан даромад қилиб келади. Айниқса, картош-ка етиштириш йиллар давомида аҳолининг асосий тирикчилик манбаи бўлиб келган. Аммо бугунги кун талаби бошқача — энди кўпроқ ер эмас, кўпроқ билим, технология ва самара талаб этиляпти.

Дилшод РАҲМОналиев,
Ўзбекистон туманидаги
“Қумбости” маҳалласи
ёшлар етакчиси.



Бу усул сувни тежайди, парваришни енгиллаштиради ва ҳосил сифатини яхшилайди. Айниқса, Кореянинг “Сулҳян” навли қулупнайи бу борада катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу навнинг афзаллиги шундаки, оддий қулупнай эртароқ узилса, таъми нордонлашиб, тезда сифати пасаяди. “Сулҳян” навида эса мевалар бир ҳафтагача ўз кўриниши ва таъминини яхши сақлайди, ҳатто тўлиқ пишмаган ҳолатида ҳам ширинлиги сезилиб туради.

ҚАДАМ ТАШЛА!

ЎРГАНИШ ҲЕЧ ҚАЧОН КЕЧ ЭМАС,
БОШЛАШ УЧУН
АСТОЙДИЛ ХОҲИШ КЕРАК!

Аксарият аёл-қизларимизда яхши ният, қизиқиш ва истеъдод бўлади. Фақат баъзан вақт, имконият ёки қаердан бошлашни билмаслик ортга тортади ҳолос. Ҳолбуки, битта ўрганилган кўникма эртага янги касб, янги даромад ёки инсоннинг ўзига бўлган ишончини пайдо қилиши мумкин.



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Шу мақсадда аёл-қизлар учун мўлжалланган бепул таълим платформаси — “Қизлар академияси”да июнь ойида яна 3 та янги курс ишга туширилди. Бу курслар шунчаки дарс эмас — улар янги имконият эшиги десак ҳам бўлади.

Биринчи йўналиш — қандолатчилик дарслари. Бу курсда иштирокчилар турли ширинлик ва пиширилган тайёрлаш сирларини ўрганади. Энг муҳими, бу билимларни фақат қизиқиш учун эмас, балки келажакда уй шароитида кичик даромад манбаига айлантириш имкони ҳам бор.

Аслида, билим олишнинг ёши ҳам, чегараси ҳам бўлмайди. Бугун ўрганилган бир янги кўникма эртага инсон ҳаётини ўзгартириши мумкин. Муҳими, имкониятдан унумли фойдаланиш ва ўз устида ишлашдан тўхтамасликдир.

Мода йўналишидаги курслар эса замонавий мода тенденциялари, кийим-наш маданияти ва шахсий услубни шакллантириш бўйича амалий билим беради. Чунки инсоннинг ташқи кўриниши ҳам унинг ўзига бўлган ишончини оширади.

Тадқиқот асослари курси илм-фанга қизиқувчилар учун айна мўддао. Унда маълумотлар билан ишлаш,

тахлил қилиш ва илмий изланиш олиб бориш кўникмалари шакллантирилади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, платформа тўлиқ инклюзив муҳит асосида ташкил этилган. Ҳар бир курсда сурдотаржимон хизмати йўлга қўйилган бўлиб, эшитиш имконияти чекланган фуқаролар учун ҳам таълим олиш имконияти яратилган.

Бу соҳада бизда тажрибали богбон мутахассислар фаолият юритяпти. Улар қарийб 3-4 йилдан буён қулупнайчилик билан шуғулланиб келади ва натижа ўзини оқлаган. Лекин мени кўпроқ қувонтирадиган жиҳат — улар ёнига ёшларни жалб қилгани. Богбонларимиз бир фикрни кўп айтади: ёшлар қизиқувчан, шижоатли ва янгиллиқни тез қабул қиладди. Улар билан ишлаш енгил, натижа эса тез кўринади. Эртанги таракқиёт ҳам айнан ана шу навқирон ёшларнинг меҳнати ва кучи билан бўлади.

Айни пайтда янги лойиҳамиз бўйича 6 гектар майдонда қулупнай етиштиришга мўлжалланган замонавий иссиқхона ташкил этиш режалаштирилган. Бу лойиҳа фақат ҳосил етиштириш билан чекланиб қолмайди. Унинг ҳудудида қулупнайчиликни ривожлантиришга ихтисослашган ўқув маркази ҳам ташкил этилади. Бу ерда ёшлар ва қизиқувчилар амалий билим олиб, замонавий технологияларни ўзлаштириш имконига эга бўлади.

Ёшларнинг бўш вақтини маъмури ташкил этиш ҳам эътибор марказида. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида замонавий футбол майдонлари барпо этилди. Қолаверса, давлат бюджетидан ажратилган 1,5 миллиард сўм маблағ ҳисобидан иккита футбол майдончаси, кийиниш ва ювиниш хоналарини ўз ичига олган спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу ўринда бир таклифни илгари сурмоқчиман. Бугун ёшлар орасида “Ибрат фарзандлари” лойиҳасига қизиқиш ортиб бормоқда. Агар ушбу лойиҳада юқори натижа кўрсатган ёшлар олий таълимга киришда маълум рағбат ёки қўшимча имкониятлар билан қўллаб-қувватланса, билим олишга интилаётган ёшлар сони янада ошар эди.



Тошкентдаги
марказий кўчалардан
бирига
МУСТАФО КАМОЛ
ОТАТУРК номи
берилади.



Қорақалпоғистонда
СУНЪИЙ
ИНТЕЛЛЕКТ
ЛОЙИҲАЛАРИ
учун
махсус ҳудуд
яратилди.



Ўзбекистон
ерости
бойликларининг
умумий қиймати
3 ТРИЛЛИОН
ДОЛЛАР деё
бахоланди.

6

Mahalla

№49

2026 йил
20 июнь,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

КАШҚАДАРЁ

КЎМАКДАН КЎРА ИШОНЧ ВА УМИД БЕРМОҚ МУҲИМРОҚ

Ижтимоий ходим ҳеч бир
қунини шунчаки ўтказмайди. У
ҳар бир эшикни тақиллатганда
— фақат муаммо эмас, балки
умид билан юзма-юз келади.

Ўғилой РАЗЗОҚОВА,
Қарши шаҳридаги “Геолог” маҳалласи
ижтимоий ходими.

Мен мазкур лавозимда қарийб
икки йилдан буён фаолият
юрיתיб келяпман. Шунча вақт
мобайнида оғир ҳаётий вазият-
га тушган оилаларни ушбу вазиятдан чиқар-
иш, уларни ижтимоийлашувини таъмин-
лаш мақсадида 80 дан ортиқ кейс очилди.
Шундан ҳозирда 70 дан ортиғи ижобий
ечим топди.

Мархабо Сафарова илгари оғир вази-
ятда кун кечирар эди. Унга кам таъминлан-
ган оилалар учун бериладиган болалар
нафақаси тайинланди. Бир нафар ногирон-
лиги бўлган қизи “Имкон” реабилитация
марказига йўналтирилди. Ҳозир қизининг
ҳолати ижобий томонга ўзгарган.



Ижтимо-
ий ҳи-
моя, бу —
фақат ёр-
дам эмас,
балки
одам-
ларнинг
ишончи
ва умиди
ҳамдир.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...



— Қийин аҳволда эдик. Маҳалладаги
ижтимоий ходим келганидан сўнг, ўзимизни
шароитимизни анча ўнглаб олдиқ, — дейди
фуқаро.

Муҳаммад Муродов оиласига ҳам бир қатор
хизматлар кўрсатилди. Жумладан, ногиронли-
ги бўлган ўғлига қўзи оқизлар ҳассаси тақдим
этилди. Рамазон ойида бир марталик моддий
ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, даволаниш
учун ҳам моддий ёрдам берилди.

...1977 йил 16 декабрь кунини Сафар-
али Боқиев дарсни шошилмай ту-
гатди. Қор ёға бошлаган, йўл анча
йироқ бўлса ҳам у синф хонаси-
дан вазмин чиқди. Энди Деновдан
Тошқўрғонга — ота маконга етиб
олиш керак эди. У икки ғилдира-
кли мотоциклни эҳтиёткорлик би-
лан бошқариб, йигирма чақирим-
лар йўлни ортда қолдирди.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

“ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАГИ ҲАР БИР ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШ — МЕН УЧУН КАТТА ЮТУҚ”

Ижтимоий ходимлик фақатгина мурожаатларни қабул қилиш ёки хизмат кўрсатиш эмас, балки инсон-
ларнинг дардига қулоқ тутиш, уларнинг муаммоларига ечим топиш ва ҳаётида ижобий ўзгариш қилишга
кўмаклашиш демакдир.



СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Бухоро шаҳридаги “Гулистон” маҳалласида “Мустақил
қадам” кундузги қатнов асосида қараб туриш маркази
фаолияти йўлга қўйилган.

МУСТАҚИЛ ҲАЁТ САРИ МУСТАҲКАМ ОДИМ




Зарнигор
НАФИДДИНОВА,
журналист.

Тадбиркор
Мироншоҳ
Жабборов
ташаббу-
си билан ташкил
этилган мазкур
марказ ўзгалар
парваришига
муҳтож бўлган им-
конияти чеклан-
ган шахсларни
қўллаб-қувватлаш,
уларнинг кундалик
ҳаёт фаолиятини
яхшилаш ҳамда
ижтимоий фаол-
лигини оширишга
хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда
марказда 8 нафар
хизмат оловчи мунтазам
парваришланмоқда.
Улар орасида инсультдан
кейинги асоратлари
мавжуд бўлган, нутқи,
ҳаракатланиши ёки
хотирасида муаммолари
кузатилаётган
фуқаролар, қўзи ожиз
шахслар, полиартрит
касаллигидан азият
чекаётган ҳамда
инфарктдан кейин
соғлиғини тиклаш
жараёнидаги
фуқаролар мавжуд.

Дилдора АЛИШЕРОВА,
Гулистон шаҳридаги “Аҳиллик” маҳалласи ижтимоий ходими.



аолиятим да-
вомида аҳо-
лининг турли

ижтимоий ҳимояга муҳтож
қатламлари билан ишлайман.
Маҳаллада 80 та кам таъмин-
ланган оила, 68 та болалар
нафақаси оловчи хонадон,
8 нафар ёлғиз кекса, 52 нафар
ногиронлиги бўлган бола,
154 нафар ногиронлиги бўл-
ган катта ёшли шахс, 20 нафар
ёлғиз яшовчи фуқаро, 20 нафар
бола тарбиялаётган ёлғиз она
ҳамда 35 нафар бандлиги таъ-
минланмаган ёшлар мавжуд.
Шунингдек, руҳиятида нуқсони
бўлган 3 нафар фуқаро ҳам дои-
мий эътиборимизда.

Ижтимоий хизматларни
ташкил этишда ҳар бир фуқа-
ронинг эҳтиёжи ва ҳолатидан
келиб чиққан ҳолда ёндашиш
муҳим ҳисобланади. Шу боис
маҳалладаги аҳолининг муам-
моларини ўрганиш, уларга му-
носиб хизмат турларини тавсия
қилиш ва зарур ташкилотлар
билан ҳамкорлик қилиш ишла-
рини мунтазам амалга ошириб
келяпман.

Марказда хизмат оловчиларга кундалик пар-
варши, ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш,
жисмоний фаолликни тиклашга кўмаклашиш
ҳамда буш вақтларини мазмунли ташкил этиш
бўйича хизматлар кўрсатилмоқда. Бу эса улар-
нинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш,
мустақил ҳаёт қўникмаларини ривожлантириш
ва ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.
Маълумот ўрнида айтиш мумкинки,
2024 йилда вилоят миқёсида 767 нафар,
2025 йилда эса 1 949 нафар фуқаро “Фаол ҳаёт-
га қадам” дастури доирасидаги хизматлардан
фойдаланди. Жорий йилда эса яна 2 123 нафар
фуқарони қамраб олиш режалаштирилган.



Сақифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза
РАҲИМҲУЖАЕВА
тайёрлади.

ИНТИЛГАНГА
ИМКОНИАТ ЧЕКСИЗ

Синовларда синмаган сабр

Ҳаким САТТОРИЙ.

Кишлоқ қайрилишига яқин-
лашган пайтда орқадан оғир
юк машинасининг гувилла-
ши эшитилди, ҳадиксираб, рулни
маҳкамроқ ушлади, иложи бори-
ча йўл четига ўзини олди. Аммо, қўтил-
маган фалокат содир бўлди, орқа-
дан қаттиқ зарб теги ва у йўл чети-
га учиб кетди.

У шу ҳолда бир соатдан кўпроқ
қолиб кетди. Машиналар тинимсиз
ўтар, тўнтарилиб ётган одамга ҳам,
қийшайиб қолган мотоциклга ҳам
парво қилишмасди. Фақат қўшни
кишлоқлик Қажрамон уни таниб,
уйидагиларга хабар беради. Муал-
лим тезда туман тиббиёт бирлаш-
масига олиб борилди.

Лекин ўтказилган амалиётдан
кейин ҳам бемор оёғини қимирлата
олмади. Вилоят травматология ши-
фохонасида қатор таҳлиллар олин-
ди ва иккинчи марта жарроҳлик
ўтказилди. Орадан олти ой ўтса-да,
оёқ тиззаси букилмади. Лекин тик
туриб, юриш имкони пайдо бўлган,
шунинг ўзи ҳам катта ютуқ эди.

Сафарали даволаниш мақсади-
да қариндошлар ҳамроҳлигида
Москвага йўл олди. Текширувлар-
дан сўнг мутахассислар яна бир
марта жарроҳлик амалиётини ўт-
казишди. Саккиз ой давом этган
муолажалардан кейин ҳам ўзгариш
бўлмади.

Эндигина йигирма ёшдан ош-
ган вужуд ўз имкониятларини ишга
солиб, тикланишга ҳаракат қилар-
ди. Лекин бекорчилик азобни икки
карра оширарди. Сафарали вази-
ятни ўзгартириш учун ўзини яна
севимли касбида синаб қўришга

қарор қилди. Умид билан қайта-
дан мактаб даргоҳига қадам қўйди.
Дастлаб кунига бир соатдан дарс
олди. Жонли ҳаёт, болалар би-
лан ишлаш завқи оғриқларни ҳам,
ташвишларни ҳам эсдан чиқарди.
Тулиқ юклама билан ишлай бошла-
гач, кадрдон жамоа унга қўмақдош
бўлди. Қўп ўтмай, уни илмий бўлим
мудирлигига тавсия қилишди.

Йиллар ўтиб боради, ҳар лаҳза
ҳам синов, ҳам зафар билан кечар-
ди. Сафарали Боқиев умрнинг унга
ато этган имтиҳонлари эвазига бор
қобилиятини намойиш қилишга
уринарди. Мактабда ўқув-тарбия
ишлари ҳам янги поғонага кўтарил-
ди. Ўша йиллар у раҳбарлик қилган
билим маскани туманда олий ўқув
юртларига кириш бўйича етакчи-
лардан бирига айланди. Ўз анъ-
наларига эга бўлган Касби тумани-
даги 10-мактабнинг обрўси яна ҳам
юксалди.



— Педагог ўз
қисматини ўзи
яратади, — дейди
Сафарали Боқиев. —
Биринчи навбатда,
у инсониятнинг
кељаҳигага масъул
эканини унутмаслиги
лозим. Мен доим ўз
касбимга муносиб
бўлишган интилдим.

Йиллар Сафарали устознинг
ҳаётида турлича кечган бўлса-да,
уларнинг мазмуни, салмоғи қўн-
гилни мунаварр қилади. Гоҳ оғриқ,
гоҳ қувонч билан ўтган дамлар
тафаккури бутун одамни дониш-
мандга айлантирар экан. Бугун у
кишлоқнинг обрўли шахсларидан,
матонати, босиб ўтган ҳаёт йўли
ёшларга ибрат қилиб кўрсатилади.

Яшашдан маъно умрни маз-
мунли ўтказиш учун жон-жаҳд би-
лан ҳаракат қилишда экан. Айрим
кимсаларнинг хатоси туфайли энг
бебаҳо бойлигидан айрилган Са-
фарали Боқиев ўша хазинасини
қайтариш учун қанча синовларни
енгиб ўтди. Бугун у чинакам иро-
данинг тимсоли сифатида жамоат-
чилик орасида ҳурмат қозонган. Ўз
касбида муваффақиятларга эриш-
ди, турмуш уртоғи Ҳожаҳон билан
фарзандлар тарбиялаб, жамиятга
қўшди. Энди набиралар ардоғида
муносиб умргузаронлик қилмоқда.

Бир инсонга ато этилган бахт шу
бўлса керак. У бу қўнларга изтироб-
ларни енгиб, ғалаба билан етиб
келди. Шу туфайли бу дамлар яна
ҳам кадрли...



Ўзбекистонда
жисмоний шахслар учун
УЧ КАРРА ЕР СОЛИҒИ
БЕКОР ҚИЛИНДИ.



Ўзбекистон
ЕВРОПА СОЛИҚ
МАЪМУРИЯТЛАРИ
ТАШКИЛОТИга
ассоциациялашган
аъзо сифатида
қабул қилинди.



ТОШКЕНТ ВА
БАҒДОД ўртасида
тўғридан тўғри
авиақатнов йўлга
қўйилиши мумкин.

2026 йил
20 ИЮНЬ,
ШАНБА

Mahalla №49

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

АЙРИМ МУАММОЛАР ҲУЖЖАТДА ЭМАС, ОДАМНИНГ КАЙФИЯТИДА БИЛИНАДИ

Маҳалламиз қарийб 60 йил давомида ичимлик сув муаммоси билан яшади. Сув — кундалик ҳаётнинг энг оддий эҳтиёжи. Лекин одамларимиз учун у йиллар давомида энг катта орзу бўлиб қолган эди...

Ихтибор МЕНГЛИЕВА,
Ангрен шаҳридаги
“Майдон” маҳалласи раиси.

Р аисликка номзод бўлиб чиққанимда одамлар олдида амалга ошириб бўлмайдиган ваъдалар бермаганман. Аввало, энг оғриқли муаммодан бошлаш кераклигини айтганман: маҳаллага ичимлик сув олиб кириш, эскирган қувурларни янгилаш, оқова сув тизимини тартибга келтириш ва шу орқали одамларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириш. Шундан кейингина ободонлаштириш ва инфратузилмани босқичма-босқич яхшилашни мақсад қилган эдик. Одамлар менга ишонишди, қўллаб-қувватлашди. Уларнинг ишончи мен учун шунчаки сайловдаги ғалаба эмас, балки катта масъулият ва ҳар куни ҳис қиладиган жавобгарликка айланди.



Ростини айтсам, бу масъулият тинч ухлатмади. Чунки одамнинг кўзига қараб ваъда бериш — бошқа, уни бажариш эса бошқа масала. Шунинг учун имкон қадар ҳаракат қилдик. Ташаббус қилдик, одамларни бирлаштирдик. Энг муҳими, маҳалла аҳли ҳам четда турмади. Бекорга “кўпнинг дуоси ўтади”, дейишмаган.

Бугун ортга қарасам, меҳнатимиз самара берганини кўраман. Ярим асрдан кўпроқ вақт ичимлик сувсиз яшаган маҳалламизга оби-ҳаёт кириб келди. Аввало, учта кўча оқова сув тармоғи билан таъминланди. Кейин бошқа ишларга ҳам навбат етди. Инфратузилма аста-секин ўзгаришни бошлади. Ўн тўртта кўчага асфальт ётқизилди. Ҳозир яна саккизта кўчада янги қувурлар тортиш ишлари давом этмоқда.

Яна бир масала бор эди — бандлик. Фаолиятни бошлаганимда қўлимга 85 нафар ишсиз фуқаро рўйхати тушган эди. Бугунга келиб бу кўрсаткич 11 нафаргача қисқарди. Албатта, қолганлар билан ҳам ишлаш давом этапти.

Айниқса, хотин-қизларни банд қилишга алоҳида эътибор қаратдик. Фарида Ҳамзаева шундай мисоллардан бири. Дастлаб қандолатчилик билан шуғулланиш учун имкон яратдик. У сомса, қатлама каби ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаб дўконларга етказишни бошлади. Аввалига ростини айтсам, бу даражада тез ривожланишини кутмагандик. Дастлаб 5 миллион сўм ёрдам бердик, кейин яна 10 миллион сўм ажратдик. Бугун эса у иш ҳажмини кенгайтириб, ёнига яна бир неча нафар аёлни ишга олди. Эндilikда тушлик овқатлари тайёрлаб, буюртма асосида савдо нуқталарига етказмоқда.

Албатта, ҳали олдимизда вазифалар кўп. Ҳозир бизни энг кўп қийнаётган масалалардан бири — чиқинди. Чиқинди машинаси икки ҳафтада бир марта келаётгани, айниқса, иссиқ кунларда аҳолининг эътирозига сабаб бўляпти. Бу масалани ҳам тезроқ ҳал қилиш устида ишляпмиз.

Маҳалла тизимида 13 йилдан бери ишлар эканман, шу вақт ичида одамларни танишни ўргандим. Бу ерда кимнинг шароити қандай, кимнинг дарди нима — кўпини биламан. Одамлар шикоят билан келганда фақат гапига эмас, айтиш услубига ҳам эътибор бераман. Чунки айрим муаммолар ҳужжатда эмас, одамнинг кайфиятида билинади. Ҳар бир мурожаатни имкон қадар тинглаб, шошмасдан, ақл билан ёндашишга ҳаракат қиламан.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

...Маҳаллада қабул қилинган эди. Ўрта ёшлардаги бир фуқаро ҳужжатларини қўлига маҳкам ушлаб кириб келди. Овозида хавотир бор.

Салимбек Қўшмаматов,
Дўстлик туманидаги
“Олтин водий” ва
“Қаҳрамон” маҳаллалари
солиқ инспектори.

С уҳбат давомида маълум бўлдики, у бир неча ойдан бери қариндошлари билан бирга қурилиш қилиш учун маблағ йиғиб юрган экан. Кимдир нақд берган, кимдир картага ташлаган. Кейин йиғилган пулларни ўз картаси орқали қурилиш маҳсулотлари олиш, ишчиларга ҳақ тўлаш ва бошқа ҳисобларга ўтказиб борган.

Бир кунги банк айрим амалиётлар бўйича қўшимча маълумот беришни сўраган. Шундан кейин у “мендан солиқ олишмоқчимми?” деб хавотирга тушибди. Шунда унга оддий қилиб тушунтирдик: бу ерда гап пул сизники ёки сизники эмаслигида эмас. Масала — амалиёт ҳажми ва унинг иқтисодий мазмунида.



Яъни агар банк картасидан 30 кун ичида бир вақтнинг ўзига ёки бир неча марта умумий ҳисобда 206 миллион сўм ёки ундан ортиқ маблағ бошқа карталар ёки электрон ҳамонларга ўтказилса ёки картага 412 миллион сўм ва ундан ортиқ маблағ келиб тушса, бундай ҳаракатлар “шубҳали”, деб топилиб, таҳлил қилиниши мумкин. Фуқаро хайрон бўлиб: “Демак, катта сумма ўтказсам, дарров солиқ чиқадими?” деб сўради.

Йўқ. Бу солиқ ҳам эмас, жараима ҳам эмаслигини тушунтирдим. Фақат жараённинг

манбаси ва мақсадига аниқлик киритилади. Агар пул қарз бўлса — қарзлиги, қурилиш учун йиғилган бўлса — шу ҳолатни тасдиқловчи маълумотлар бўлиши керак. Чунки тизим пул қаердан келгани ва нима мақсадда ишлатилганига эътибор беради. Кейин суҳбат якунида фуқаро аввал вазиятни муаммо, деб қабул қилганини, аслида, унга қондалар ва тартибларни тушунтириб бериш керак бўлганини айтди.

Уйнинг бозор қиймати қай тариқа аниқланади?

Умид САЙФУЛЛАЕВ.
Самарқанд
вилояти:

— Ўзимга тегишли бўлган уйни тезроқ сотиш мақсадида бозор нархидан анча арзон нархда расмийлаштирдим. Кейинчалик эшитишимча, агар кўчмас мулк бозор қийматидан 20 фоиздан ортиқ арзон сотилса, қўшимча солиқ ҳисобланиши мумкин экан. Шу ҳолатда бозор нархи қай тартибда аниқланади?



Дилшод БАҲОДИРОВ,
ҳуқуқшунос, адвокат:

— Ҳукуматнинг 2026 йил 18 майдаги “Солиқ базасини товарларнинг бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш орқали тенг рақобат муҳитини яратиш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган тартибга кўра, сиз кўчмас мулкни шартномада исталган нархда

МЕНДА САВОЛ БОР...

расмийлаштирган бўлсангиз ҳам, ушбу нарх ҳар доим ҳам солиқ ҳисоблаш учун асос бўлмайди. Агар сотув нархи мазкур объектнинг аниқланган бозор қийматидан 20 фоиздан юқори бўлса, солиқ ташкилоти солиқ базасини қайта ҳисоблаш ҳуқуқига эга.

Бунда бозор қиймати махсус ваколатли органнинг оммавий баҳолаш маълумотлари асосида аниқланади. Шунингдек, солиқ ташкилотлари қўшимча равишда нотариал битимлар маълумотлари, электрон аукцион натижалари, давлат харидлари маълумотлари ҳамда амалдаги нархномалардан фойдаланиши мумкин.

Агар белгиланган бозор баҳо-сига рози бўлмасангиз, сизда ушбу баҳолаш натижалари ва солиқ ҳисоб-китоби устидан белгиланган тартибда эътироз билдириш ҳуқуқи мавжуд. Бунда сиз мустақил баҳоловчи хулосасини тақдим этиш ёки юқори турувчи солиқ ташкилотига ёхуд суд тартибда мурожаат қилиш орқали ўз ҳуқуқингизни ҳимоя қилишингиз мумкин.



Маҳаллада ишлаганда шуни кўряпмиз: кўп ҳолатда одамлар қонунни четлаб ўтмоқчи бўлмайди, фақат катта маблағ айланмаси қандай баҳолалиниши билмайди. Шунинг учун шахсий картани кўп сонли йиғимлар ёки йирик ҳисоб-китоблар учун ишлатишдан олдин унинг ҳуқуқий оқибатларини ҳам ўйлаб қўриш керак. Баъзан муаммо амалиётнинг ўзида эмас, унинг изоҳи йўқлигида бўлади.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

ТАРТИБ

КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ ОНЛАЙН ТИКЛАШ ИМКНИ БОР

Баъзи ҳолларда фуқаролар ва тадбиркорлар фаолияти тўхтатилган юридик шахсни қайта ишга тушириш тартибини билмаслиги ёки жараёни қандай амалга оширишда қийинчиликка дуч келиши мумкин. Шу каби вазиятларда ортиқча вақт сарфламасдан, масалани масофадан туриб ҳал қилиш зарурати юзага келади.



2026 йилги Давлат дастурига кўра, фаолияти тўхтатилган юридик шахсларни электрон тарзда қайта тиклаш имконияти жорий этилди.

Бунинг учун солиқ тўловчи “my3.soliq.uz” электрон солиқ хизматлари порталидаги шахсий кабинетига электрон рақамли имзо орқали кирилади. Сунг “Хизматлар” бўлимидан “Юридик шахс профилини кўриш ва ҳисоб маълумотларини ўзгартириш” хизмати танланади. Кейинги босқичда “Маълумотларни ўзгартириш” тугмаси босилади ва тизим тўғридан-тўғри ариза шакллантиради. Ушбу аризада корхона ҳолати “фаолият кўрсатаётган ва солиқ мажбуриятларига эга” ҳолатга ўзгартирилади ва ариза юборилади. Ариза тасдиқланган, юридик шахс фаолияти тикланади. Ушбу янги тартиб жараёнларни соддалаштириш, ортиқча муурожаатларни камайтириш ва тадбиркорлар учун қулайлик яратишга хизмат қилади.



Хоразмда ўқишга киритиш эвазига 1 400 доллар талаб қилган ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ УШЛАНДИ.



Тошкентда таркибида МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ БЎЛГАН ЖИНОИЙ ГУРУҲ ҚЎЛГА ОЛИНДИ.



Самарқанд ва Сурхондарёда Афғонистондан олиб келинган 37 килограммлик ортиқ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ТЎХТАТИБ ҚОЛИНДИ.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК — МАҲАЛЛАМИЗНИНГ КЎРИНМАС ҚАЛҚОНИ”



Ҳар куни эрта тонгда кўчаларни айланар эканман, болажонларнинг хавотирсиз, шўх-шодон кулгусини эшитиш, нуроний отахон-онахонларимизнинг тинчликка шукрона келтириб, дуога қўл очганларини кўриш менга чексиз куч бағишлайди.

Дилмурод АБДУҚУНДУЗОВ, Янгийўл шаҳридаги “Наврўз” маҳалласи профилактика инспектори.

рофилактика инспектори учун маҳалладошларининг хотир-жамлигидан кўра ортиқроқ бахт ва олий мукофот йўқ. Иш куними ана шу осойишталикни асраш ва ҳар бир хонадоннинг қувончига шерик бўлишдан бошланади. Тинчлик-осойишталик — одамлар тунда дарвозасини хотиржам қўлға, кўнгли тўқ ухлайдир. Шу боис ишни хизмат хонамда эмас, кўчада — халқнинг ичида ташкил этиш шиоримга айланган. Аслида ҳам, аҳоли ўз инспекторини юзидан таниши, унга ишониши ва исталган вақтда қўрқмай мурожаат қила олиши шарт.

Фаолиятимни ўзига хос тарзда бўлимларга бўлиб олганман. Муаммони содир бўлгандан кейин эмас, барвақт пайқашга эришяпман. Яқинда бир хонадонда эр-хотин ўртасида тез-тез келишмовчилик бўлаётганини кўшнилар орқали барвақт билиб, “еттилик” билан биргаликда ҳал этдик. Оила боқувчиси ишга жойланди. Натижада катта кўнглисизликнинг олди олинди.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусалхих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

“Пойтахт намунаси” жорий этилган бўлиб, ушбу тизим асосида маҳалламизни тўлиқ хавфсиз маҳаллага айлантиришни бош мақсад қилиб олганмиз. Бу йўлда рақамли технологиялардан самарали фойдаланяпмиз. Худудимиз 200 та юзни таниб олувчи ҳамда кузатув камералари билан жиҳозланган ва менинг хизмат хонамга улганган. Бу — маҳалла кўчаларини, кириш-чиқиш йўлларини 24 соат давомида онлайн кузатиш ва вазиятга тезкорлик билан аралашши имконини берапти. Кузатув ва аҳиллик натижасида жорий йилда бирорта ҳам жиноят содир этилмади. 5 йил-



дан бери “қизил” тоифада турган маҳалламиз “яшил” тоифага ўтди. “Еттилик” ходимлари “давлат ва халқ ўртасидаги кўприк”, деган оддий ва халқчил шиор остида ишляпмиз. Худудимиздаги 20 та кўча, 14 та кўп қаватли уйлар маҳалла фаоллари ва масъулларга бириктирилган. Ҳар куни хонадонларга кириб, одамларнинг муаммоларини тинглаймиз, уларни жойида ҳал қиламиз. Масалан, “хонадонбай” ўрганиш давомида бир оиланинг қизи олийгоҳга шартнома асосида ўқишга киргани, аммо шароит туфайли шартнома пулини тўлашга қийналаётгани маълум бўлди. Биз тезкорлик билан маҳалла имкониятлари ва давлат кўмагини сафарбар қилиб, керакли маблағни тўлаб бердик.



Дарвозанинг қулфи қанчалик мустаҳкам бўлмасин, агар маҳалланг тинч бўлмаса, кўнглингга хавотир барибир соя солаверади. Энг катта қулф, бу — аҳил кўшничилиқдир. Шу боис “аҳил кўшничилик” маданиятини шакллантирганмиз. Бунинг учун ҳар бир кўчада уй боши ва фаол нуронийлар фаолияти йўлга қўйилиб, шубҳали ҳолат ёки нишодан тезкор хабардор бўлишга эришяпмиз.

Рақамли технологиялар, видеокузатув камераларидан самарали фойдаланиш мақсадида ички кўчаларнинг кириш-чиқиш жойларига, мактабга ва мактаб таълими муассасаларига, тадбиркорлик объектларига, шунингдек, жамоат жойларига ҳам қўшимча кузатув камераси ўрнатилди.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

ТУРИЗМ ХАВФСИЗЛИГИ ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ЁНДАШУВНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафта сайёҳлардан бири тоғли ҳудудда телефонини йўқотиб қўганини айтиб, ҳаяжон билан мурожаат қилди. Унинг хавотирини тушунса бўларди — қўрилма ичида барча ҳужжатлари, чипталари ва саёҳат суратлари бор экан.



Илёсбек ДАДАХОНОВ, Янгийўл туманидаги “Дўстлик” маҳалласи профилактика инспектори.

Маҳалла фаоллари билан биргаликда ҳудуддаги замонавий кузатув камералари ёрдамида телефонни қисқа фурсатда топиб, эгасига топширдик. Меҳмоннинг юзидаги қувонч ва самимий эътироф бизга чексиз куч бағишлади. Атрофи сўлим тоғ ва адирлар билан ўралган, Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятига чегарадош бўлган маҳалламизга кўнига минглаб маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ташриф буюради. 500 та хонадонда 2 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Табиийки, жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш биз учун қундалиқ, энг бирламчи вазифадир. Бундай гавжумлик зиммасига икки қарра юксак масъулият юклайди. Шу боис, ҳар куни эрта тонгдан ҳудуддаги хонадонларга кириб, аҳоли кайфияти ва вазият билан танишиш одатимга айланган. Шундан сўнг, маҳалла фаоллари билан биргаликда кулиқ режалар ва долзарб масалаларни муҳокама қиламиз.

Бу борадаги ишларни маҳалладаги “еттилик” тизими ходимлари билан яқин ҳамкорликда амалга ошириб келяпмиз. Ҳар куни камида 20 та хонадонга кириб, фуқароларнинг муаммоларини ўрганимиз ва уларга яқиндан кўмак берамиз. Маҳалламизнинг асосий “ўсиш нуқтаси” — туризм. Айни пайтда ушбу соҳани ривожлантириш, экотуризм ва оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш орқали аҳоли учун янги иш ўринлари яратилмоқда. Сайёҳлар оқимининг ортиши эса одамларимизнинг даромадини юксалтиришга хизмат қиляпти.



Энг қувонарлиси, ҳудуд тўлиқ замонавий кузатув камералари билан таъминлангани, аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалгани ва тунги патруллик ишлари тизимли ташкил этилгани туфайли жиноятчиликдан холи ҳудудга айландик. Осойишталикни асраш ва юртимизга келган ҳар бир меҳмоннинг хавфсизлигини таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишда давом этамиз.

Албатта, ютуқлар билан бир қаторда фаолиятимизда ўз ечимини қутаётган долзарб масалалар ҳам йўқ эмас. Хорижлик сайёҳлар сони кундан-кунга ортиб бораётгани сабабли профилактика инспектори зиммасига нафақат тартибни сақлаш, балки меҳмонлар билан эркин мулоқот қилиш масъулияти ҳам юкланмоқда. Бугунги кунда тизим ходимларининг хорижий тилларни (айниқса, инглиз тилини) мукамал билиши ва сайёҳларга рақамли хариталар, инновацион иловалар орқали тезкор йўналиш курсата олиши эҳтиёжга айланди.

Шу билан бирга, сайёҳлар кўп борадиган тоғли ва чекка адирли ҳудудларда алоқа сифатини янада яхшилаш, кузатув камераларини ягона рақамли тармоққа тўлиқ улаш зарур. Чегарадош ва туризм ҳудуди бўлганимиз боис, жамоат тартибини масофадан туриб назорат қилиш тизимини янада кенгайтириш керак.

Тақлим — келгусида ходимлар учун чет тилларини ўргатувчи курсларни ташкил этиш ҳамда рақамли инфратузилмани кенгайтириш керак.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Кўшнининг уй ҳайвони тунда тинчлик бермаса...

Шоҳсанам ФАЙЗУЛЛАЕВА, Чилонзор тумани:

— Кўшнимизнинг уйида мушук ва ит боқади. Кечаси баланд овозидан ёш фарзандларимиз кўрқиб уйғониб кетишди. Кўшнимизнинг бу хатти-ҳаракати учун қонунда жавобгарлик чораси белгиланганми?

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Албатта, белгиланган. Ит ва мушук бўйхатини алоҳида шартлари ҳукумат қарори асосида тасдиқланган “Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидалари”да кўрсатиб ўтилган.

Унга мувофиқ санитария-гигиена ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш барча ит ва мушук боқувчиларнинг мажбурияти ҳисобланади. Яъни, бу жонотлар қутуришга қарши эмланиши шарт ва кўп қаватли уйнинг алоҳида квартирасида кўшнимизнинг ва хусусий уй-жой мулкдор-



лари ширкатининг розилиги билан биттадан ортиқ бўлмаган ит ва битта мушукни сақлашга рухсат берилади. Алоҳида уйда итларни сақлашга фақат боғланган ҳолда, эркин сайр қилдиришда — атрофи ўралган ҳудудда ажратилган ҳолда сақлашга йўл қўйилади. Итлар очиқ жойларда сайр қилдирил-

ганда ва турар жой биноларида эгалари тинчлик сақланишини таъминлашлари ҳамда эрталаб соат 8:00 гача ва кечқурун 22:00 дан кейин вовуллашининг олдини олишлари керак.

Агар шу тартиблар бузилган бўлса, сиз ҳудуд профилактика инспекторига мурожаат қилишингиз лозим.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат бўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй. Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92. Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 919 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-620

